

Табиий ҳақиқатлар ўзгармасдир



16:00 / 24.07.2019 2384

Илмнинг асосларидан бири шуки, табиий ҳақиқатлар ўзгармасдир. Ишончли далил билан собит бўлган ҳақиқат барча вақтларда ҳақиқатлигича қолаверади. Бу нарса Қуръони Каримда шундай таъкидлаб ўтилган:

﴿تَوْبِيلًا لِلَّهِ لِسُنَّتِ تَجَدُّوْنَ وَبَدِيلًا لِلَّهِ لِسُنَّتِ تَجَدُّوْنَ فَلَنْ الْأَوَّلِينَ سُنَّتِ إِلَّا يَنْظُرُونَ فَهَلْ﴾

«Улар фақат илгаригиларнинг суннатига мунтазир бўлмоқдалар, холос. Аллоҳнинг суннатига ҳаргиз бадал топа олмассан. Аллоҳнинг суннатига ҳаргиз ўзгартириш топа олмассан» (Фотир сураси, 43-оят).

Бошқа бир оятда:

اللَّهُ لِيَخْلُقَ بِمَدِينٍ لَا

«Аллоҳнинг яратганини ўзгартириб бўлмас», дейилган (Рум сураси, 30-оят).

Бу оятларда табиий қонунлар ва Аллоҳнинг қилган ишлари ўзгармасдан, ўз ҳолича собит қолажаги очиқ-ойдин айтилган.

Илмий услуб, хоҳ у табиий илмларда бўлсин, хоҳ ҳаёт, социология, фазо илми бўлсин, булардаги изланишлар фалсафий фикрларга ёки чуқур ўйлаш, ўткир ақлли кишиларнинг гапига асосан бўлмайди, балки тажриба ва гувоҳлик асосида бўлади. Бунда эса сезиш аъзолари, хусусан, эшитиш ва кўриш аъзолари катта ўрин тутди. Лекин уларга бу ишда нозик асбоблар ёрдам беради. Мисол учун, микроскоп ёрдамида оддий кўз кўра олмайдиган микробларни кўрадилар, телескоп ёрдамида эса юлдуз ва осмон жисмларини кузатадилар. Шу йўл билан табиий илмлар тўғри натижаларга эришади. Агар бундай бўлмаганда, дунёдаги кўпгина сирларни кашф қилиб бўлмасди. Бирор нарсани атрофлича ўрганиш Қуръон буюрган илмий асослардан биридир. Қуръон оятларида бир нарсани атрофлича ўрганиш учун кўз, қулоқ, хусусан, ақлни ишлатиш олдинга сурилади. Анкабут сурасида шундай дейилган:

﴿قَدْ بَدَأَ خَلْقَ الْإِنسَانِ مِن طِينٍ ثُمَّ يَسِّرُهُ الْإِنسَانَ إِلَىٰ أَعْيُنِنَا فَيَسِّرُ الْبَصِيرَ﴾

«Сен: «Ер юзида юриб, У Зот махлуқотларни қандай (ярата) бошлаганига назар солинглар. Сўнгра Аллоҳ охират ҳаётини пайдо қилур. Албатта, Аллоҳ ҳар бир нарсага ўта қодирдир», деб айт» (20-оят).

Бунга ўхшаш оятлар Қуръони Каримнинг бошқа сураларида ҳам кўплаб учрайди. Уларнинг умумий маъносидан маълум бўладигани, инсон чақалоқлигидан бошлаб кўриш, эшитиш ва ақлни ишлатиш орқали илм ҳосил қилади.

«Иймон» китобидан олинди